



БОБОЖОНОВ Шавкат,

Термиз давлат университети
мустақил изланувчиси (DSc),

Тошкент давлат педагогика университети
доценти,

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
bobojonovsh2020@gmail.com

БУХОРО ВОҲАСИДА “ЕТТИ ПИР” ЭТИМОЛОГИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

ФОРМИРОВАНИЕ ЭТИМОЛОГИИ «СЕМИ ПИРОВ» В БУХАРСКОМ ОАЗИСЕ

FORMATION OF THE ETYMOLOGY OF «SEVEN PIR (MENTORS)» IN THE BUKHARA OASIS

Аннотация: Мақолада Бухорода «етти пир» номи билан машҳур бўлган Хожাগон-Нақшбандия тариқати пирларининг ягона таълимотни яратишидаги хизматлари, устоз-шогирдлик ва пир-муршидлик анъаналари, уларнинг зиёратгоҳлари шаклланиши ва зиёрат қилиш билан боғлиқ урф-одатлар илмий адабиётлар ҳамда дала тадқиқотлари материаллари асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: етти пир, Силсилаи заххоб (олтин занжир), Хожа, устоз-шогирд анъанаси, раиҳа(томчи), каромат, замзам суви, ҳажж зиёрати.

Аннотация: В статье представлен научный анализ, основанный на материалах тариката (школы или ордена суфизма) Ходжагон-Накшбанди. Исследование посвящено семи пирам, известным в Бухаре, их вкладу в формирование единого учения и традиций. Особое внимание уделено преемственности духовного знания в цепи «пир-муршид» (наставник-ученик) и становлению святилищ этих святых как мест паломничества.

В статье также рассматриваются традиции, связанные с паломничеством к святыням семи пиров.

Ключевые слова: семь пиров, Силсилаи заххоб (золотая цепь), Ходжа, традиция наставничества-ученичества, раиҳа (капля), карамат (чудотворство), вода Замзам, паломничество Хажж.

Annotation: This article examines the Khojagon, known as the seven pirs in Bukhara, who were prominent figures in the Naqshbandi order. The article analyzes their contributions to the development of a unified doctrine, the traditions of mentorship and discipleship among the seven sheikhs, the practices associated with their shrines and pilgrimages to these sites, and relevant scientific sources and archaeological findings.

Keywords: order, shrines, sheikh, master, oasis, donation, pilgrimage, tourism.

КИРИШ

Маълумки, хосиятли деб қабул қилинган рақамлар билан боғлиқ турли эътиқодлар мавжуд. Масалан, етти шариф шаҳар, ҳафтияк (Қуръоннинг еттидан бири), етти қадам, ҳафт бародарон (етти ака ука авлиё), ҳафт салом (етти салом ичимлиги)ни айтиш мумкин. Уларнинг ҳар бири ўз тарихи ва рақам билан боғлиқ муҳим хусусиятларига эга. Улардан фарқли ўларок, Бухоро воҳасида етти пир номи билан танилган Хожাগон-нақшбандия тариқатининг пиру комиллари ҳам мавжуд. XII-XIV асрларда шаклланган нақшбандия таълимотининг асоси қуйидаги улуғ алломаларимиз томонидан қўйилган: Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф Ревғарий, Хожа Махмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. Хожাগон-нақшбандия тариқати вужудга келган даврлардан бошлаб ушбу тариқатдан кўплаб шайхлар етишиб, уларнинг аксарияти мазкур тариқат ёхуд унинг турли маҳаллий тармоқларига раҳбарлик қилган. Бироқ тариқатнинг Ғиждувонийдан Нақшбандгача бўлган шайхларидан етти раҳбари “тариқатнинг етти пири” номи билан алоҳида улуғланган [8, 49]. Етти шайхнинг хизматлари боис тариқат кейинги даврларда ривож топган ва кенг ёйилиши учун асос бўлган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мазкур тариқат пешволарининг номларидан атиги иккитаси, яъни Гиждувоний ва Нақшбандларни халкимиз яқингача билардик холос. Аҳоли томонидан зиёрат этиладиганлари ҳам фақат шу зиёратгоҳлар бўлган. Мустақиллик шарофати билан тарихимиз, қадриятларимиз секин аста қайта бошлади. 1993 йилда Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги халқаро миқёсида нишонланиши муносабати билан янги тадқиқотлар юзага кела бошлади. Ҳазрат Баҳоуддиннинг устозлари ва тариқатни ривожлантирган алломалар номи юзага чиқди. Ўша йили манбашунос олим Садриддин Салим Бухорийнинг “Баҳоуддин Нақшбанд ёхуд етти пир” номли дастлабки рисоласи нашр этилди. Воҳа чўллари бағрида қолиб кетган, кўримсиз ҳолга келган бошқа пирларнинг қабрлари ва уларнинг ўрни аниқланиб, обод этила бошланди. Давлатимиз, ҳукуматиз саъй-ҳаракатлари, ўз аждодларини ардоқловчи, авлиёларини севувчи халкимизнинг ҳашар ҳаракатлари билан зиёратгоҳлар юзага келди. Айни шу даврдан етти пир атамаси кенг муомалага кириб келди. Атаманинг юзага келишида кўплаб сабаблар мавжуд.

Биринчидан, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га бориб тақаладиган силсилаи шариф, яъни Силсилаи захҳоб (олтин занжир) халқаларида номлари зикр қилинган пирлар тартиб билан ўрин олган. Абдуҳолик

Гиждувоний 10-ҳалқадан бошланиб, Нақшбанд 16-ҳалқа билан якунланади [2, 90-91]. Олтин занжирнинг Пайғамбаримизга бориб етиши куйидаги ўн ҳалқа билан етиб келган: Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) – Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ (р.а.), Ҳазрат Салмони Форсий (р.а.), Ҳазрат Қосим ибн Муҳаммад (р.а.), Ҳазрат Жаъфари Содик (р.а.), Ҳазрат Боязид Бастомий (қ.с.), Ҳазрат Абулҳасан Харақоний (қ.с.), Хожа Али Формадий (қ.с.), Юсуф Ҳамадоний (қ.с.). Силсилада шайхлар халқалар билан тилга олинса, маҳаллий аҳоли орасида эса улар биринчидан еттинчигача бўлган пирлар шаклида номланади.

Иккинчидан, тариқат намоёндалари ота томондан ҳам, она томондан Пайғамбаримиз (с.а.в.)га бориб етишидан ташқари, тасаввуфда тариқат шайхларига бериладиган унвон Хожа мартабаси билан улуғланган. “Хожа” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, ҳурматли, жаноб, хўжайин, мулкдор деган маъноларни англатади. Абдуҳолик Гиждувоний асос солган таълимот ҳам шу сабабдан Хожагон номини олган [7, 23]. Натижада хожагон-нақшбандия тарихи икки босқичга бўлинган. Биринчи пир Гиждувонийдан еттинчи пир Нақшбандгача бўлган биринчи босқич хожагон, Баҳоуддиндан бошланган иккинчи босқич нақшбандия деб номланган.

Учинчидан, устоз-шогирд анъанаси асосида икки юз йил давомида бир таълимотни ривожлантиришган. Силсила халқаларида



бошқа шогирдлар бўлсада, аммо маълум бирлари таълимотни давом эттиришган. Масалан, Гиждувоний Ревгарийга ўз ишини топшириш учун Гиждувон ва Шофиркон оралиғидаги Рўйибинон (юзлашув – Ш.Б.) кишлоғида учрашишган. Мазкур кишлоқни ҳозир ҳам дийдорлашув, учрашув мавзеси деб эслашади [6]. Хожагон-нақшбандия тариқатининг асосий қоидалари шу пирлар томонидан ишлаб чиқилган. Ўн бир рашҳа(томчи)лардан тўрттаси Юсуф Ҳамадоний, тўрттаси Абдуҳолиқ Гиждувоний ва сўнги учтаси Баҳоуддин Нақшбанд томонидан киритилган.

Тўртинчидан, етти пирларнинг ҳаммаси бир заминда, яъни Бухоро воҳасида бўлиб, зиёратгоҳлари воҳанинг беш тумани Гиждувон (Абдуҳолиқ Гиждувоний), Шофиркон (Ориф Ревгарий), Вобкент (Анжир Фағнавий), Ромитан (Хожа Али Ромитаний ва Бобойи Самосий), Когон туманларида (Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд) жойлашган.

Бешинчидан, Нақшбандия тариқатининг бош ғоясига асосан пирларнинг ҳаммаси маълум ҳунар, касб-кор билан шуғулланиб, ҳалол меҳнат, пешона териси эвазига топиладиган даромад билан кун кечирган. Гиждувоний бўз тўқиш, Ревгарий деҳқончилик, Фағнавий гилкорлик, Ромитаний тўқувчилик, Самосий боғбонлик, Амир Кулол кулолчилик, Нақшбанд кимхобга нақш солиш ҳунари билан умргузаронлик қилган. “Дилба ёру дастба кор”, яъни “қалбинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин”, деган шиор таълимотнинг асл мақсадига айланган. Халқни ҳам ҳунарли бўлиш, ҳалол яшашга даъват қилишган.

Олтинчидан, етти пирларнинг ҳар бири маълум кароматларга эга бўлишган. Маълумки, пайғамбарлар мўжиза яратадилар, авлиёлар каромат кўрсатадилар. Айрим диний адабиёт, тарихий асарлар ва халқ оғзаки ривоятларига кўра Гиждувоний Бухородан туриб Каъбатуллоҳни кўриш, Ревгарий ип калавалар ўз-ўзидан тўкилиб гилам ҳосил бўлиши, Фағнавий қиш чилласида анжирни ҳосил қила олиш, Ромитаний рўза ифторлик маҳалида бир пайтда 14 та жойда ҳозир бўлиш, Самосий олдинни башорат қилиш, Мир Кулол тушларга кириб, оғир аҳволда қолганларни кутқариш, Нақшбанд беш вақтни намозни

Маккада ўқиш кароматларига эга бўлган. Юқоридаги кароматлар билан боғлиқ турлича ривоятлар ва ҳикоятлар аҳоли орасида ҳозирги кунгача сақланган [3, 5-8].

Тарихда мазкур пирлар зиёратига аҳоли, ҳатто ҳукмдорлар ҳам тез-тез бориб туришган. Кўплаб вақфлар, хайр-эҳсонлар қилинган, қатор иморатлар бапро этилган. Зиёратчилар учун шарт-шароитлар яратилган. Аммо у даврларда етти пир деб номланган, фақатгина хожагон шайхлари, нақшбандий пирлар сифатида зиёрат этилган. Бухоро амирлари тахтга ўтириши биланоқ Ҳазрат қабрини зиёрат қилишни ўзига бурч деб билган. Муҳаммад Раҳимхон вафотидан олдин Абдуҳолиқ Гиждувоний мазорини зиёрат қилган [4, 152]. Бухоро амирларидан Шохмурод ва Ҳайдар Нақшбандия тариқатининг фаол ҳомийлари ва тарғиботчилари сифатида танилган [1, 103].

Бугунги кунга келиб етти пир зиёрати оммавий зиёрат йўналишига айланди. Бир кун давом этадиган зиёрат дастури воҳанинг 150 км.лик масофадаги етти пир зиёратгоҳларини қамраб олади. Дастлаб Гиждувон туманининг Узилди кишлоғида 1-пир, Шофиркон туманининг Ревгар кишлоғида 2-пир, Вобкент туманининг Анжир Фағни кишлоғи (ҳозирда Анжирбоғ)да 3-пир, Ромитан туманининг Қўрғон кишлоғида 4-пир, мазкур тумanning Самос кишлоғида 5-пир, Когон туманининг Сухор кишлоғида 6-пир ва шу тумanning Қасри Орифон кишлоғида охириги 7-пир навбатма навбат зиёрат қилинади. Зиёрат одобига мувофиқ устоз-шогирд кетма кетлигига амал қилиб зиёрат қилиш анъанага айланган. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг “менинг қабрим устига келишдан олдин аввал устозларимни зиёрат қилинлар”, деган насиҳатлари аҳоли орасида кенг тарқалган. Маҳаллий аҳоли бу қоидага қатъий амал қилишади ва ҳатто мазкур тартибни шогирднинг Устозга эҳтироми сифатида баҳолашади. Нақшбанд ўзидан икки аср олдин яшаган Гиждувоний билан учрашмаган бўлсада, аммо руҳий, маънавий устоzi деб билган. Тушларида Гиждувонийдан руҳий тарбия олганлиги манбаларда учрайди.

ХУЛОСА

Етти пирларни бирин-кетин зиёрат қилиш нақшбандия тариқати моҳиятини босқичма-босқич тушуниш, унинг ривожланиш йўлини билиш, асл моҳиятини англаш, таълимот тараққиётига ҳар бир пирнинг қўшган ҳиссасини теранг тушуниш имконини беради. Тартиб билан зиёрат қилиш орқали зиёратчилар икки асрлик таълимот тарихига тадрижий сайёҳат қилишади. Айрим зиёратчилар етти пир зиёратини кичик ҳажга тенглаштиришади. Бундай қарашни пирларнинг ҳаж зиёратига пиёда бир неча маротаба борганлиги, ҳар бир зиёратгоҳ қудуқлари Маккадан келтирилган замзам сувларига тўлдирилгани билан изоҳлашади [5].

Бугун етти пир атамаси замонавий зиёрат туризмида бренд даражасига кўтарилиб, мамлакатнинг миллий сайёҳлик ва зиёрат имиджини кўрсатишда муҳим восита, ташриф қоғози бўлиб хизмат қилмоқда. Мусулмон мамлакатлари зиёратчиларини жалб этишда ҳам етти пир халқаро зиёрат йўналиши сифатида тарғиб қилинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.). – Алматы.: Дайк-Пресс, 2004. – С.103.
2. Бобожонов Ш. Силсилаи шарифнинг етти ҳалқаси // Тафаккур. – Тошкент. – 2023. – № 4. – Б. 90-91.
3. Bobojonov Sh.U. Formation of the Etymology of “Seven Pir” In the Oasis of Bukhara // International Journal of Culture and Modernity. – 2023. – vol. 30. – P. 5-8. <http://ijcm.academicjournal.io/index.php/ijcm/article/view/549/543>.
4. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М.: Восточная литература, 2003. – С.152.
5. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Когон тумани, Қасри Орифон кишлоғи. 2021 йил май.
6. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Ревгар кишлоғи. 2022 йил, март.
7. Наврўзова Г. Абдуҳолиқ Ғиждувоний. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2020. – Б. 23.
8. Раҳимов К. Хожагон-нақшбандия тариқати ва етти пир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б. 49.